# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!


# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2012 йил Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 24-AVGUST, JUMA, 99 (8024) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англашга ва ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон – **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:



ТУРДИЕВ Содиқжон



КАМИЛОВ Халиджан Махамаджанович



ШАИМОВ Мирзахмат Исматович

**ТУРДИЕВ Содиқжон** – Асака тумани «Асака жилоси» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**КАМИЛОВ Халиджан Махамаджанович** – Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси профессори, Тошкент шаҳри

**ШАИМОВ Мирзахмат Исматович** – «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси, Сирдарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 23 август*

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ" РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Бадиий академия, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги каби ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур танлов якунига бағишланган тадбирга сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари таклиф этилди.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов Президентимиз раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намоён этиши учун улкан имкониятлар яратилганини таъкидлади.

Ҳар йили қутлуғ айём – Мустақиллик байрами арафасида ўтказилаётган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад барча жабҳаларда кечаётган ислоҳотлар, асрларга татигулик ютуқларнинг моҳиятини ёрқин, таъсирчан тарзда халқимизга етказиш, аҳоли қалби ва онгида ватанпарварлик, фидойилик, мамлакат тақдири учун масъулиятни теран ҳис этиш ғояларини мустаҳкам қарор топтиришдан иборатдир.

Жорий йилда "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ушбу танлов адабиёт, оммавий ахборот воситалари, кино, тасвирий санъат сингари йўналишларда фидокорона меҳнат қилаётган ижодкорларни аниқлаш, фаолиятини халқимизга яқиндан таништириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий марралар сари илҳомлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ижодий танловда қатнашиш истагидаги ижодкорлар сафининг йилдан-йилга кенгайиб бораётгани унинг нуфузи ва аҳамиятидан далолатдир. Жорий йилги танловнинг республика босқичига турли йўналишларда меҳнат қилаётган 258 нафар ижодкорнинг 2493 ижодий иши қабул қилинди. Бу ҳар йилгидан анча кўпдир. Тақдим этилган асарларда мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар, ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, Ватанимиз қудрати ва салоҳияти, халқаро миқёсдаги обрў-эътиборининг тобора ортиб бораётгани ўзига хос ижодий ёндашув асосида, чуқур таҳлилий тарзда очиб берилган. Шу билан бирга, оилаларни мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларнинг жамият ҳаёти, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, ҳамюртларимизнинг тадбиркорликка оид илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишларни ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.



– Меҳр, эъзоз ва эътибор ижод аҳлига қанот бағишлайди, – дейди танлов ғолиби, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Sport" телерадиоканали "Машъал" радиоси катта муҳаррири Зулфизар Каримова. – Ватан – ҳар биримизнинг тақдиримиз, келажагимиз, бахту иқболимиз билан чамбарчас боғлиқ. Мустақиллик, унинг чексиз имкониятлари, бугунги тинч ва осойишта, ёруғ ва дориломон кунларимиз барча ижодкорлар учун чин маънодаги илҳом манбаидир.

Тадбирда «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### Куннинг муҳим воқеалари

▶ "Мева-шарбат" боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида интенсив боғдорчиликни ривожлантириш, маҳсулотларни қайта ишлаш, экспортга йўналтириш ҳамда соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган парламент эшитуви бўлиб ўтди. Тадбирда бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан мазкур корпорация ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ахбороти тингланди.

▶ **Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги арафасида Самарқанд шаҳрининг Ибн Сино кўчасида янги меҳмонхона фойдаланишга топширилди. Мазкур бино Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси маблағлари ҳисобидан бунёд этилган.**

▶ Фарғона водийси энергетиклари мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик тўйига муносиб туҳфа ҳозирлади. Мамлакатимиз ягона электр тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган "Қизилровот – Юлдуз" электр тармоғи қуриб битказилди.

▶ **Жиззах вилояти ҳокимлигида БМТ тараққиёт дастурининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролар иштироки ва ҳамкорлик» лойиҳаси доирасида Жиззах ва Наманган вилоятларида амалга оширилаётган ҳокимликнинг замонавий ахборот хизмати моделига бағишланган вилоятлараро тақдимот ўтказилди.**

## АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон экологик ҳаракати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамкорлигида матбуот анжумани ташкил этилди.**

Анжуманда таъкидланганидек, тўрт йил олдин, яъни 2008 йилнинг 2 августида мамлакатимиз эколог олимлари, шу йўналишда иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчилик ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон экологик ҳаракати ўтган давр мобайнида ўз дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, қатор хайрли ишларни амалга оширди.

Бугунги кунда Экоҳаракат ўз атрофига 200 та, жумладан, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича 110 та, тиббиёт йўналишидаги 90 та нодавлат нотижорат ташкилотларини бирлаштирган.

Экоҳаракат ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда умумий ер майдони 87 гектар "Экобоғ"лар барпо этилиб, 31 мингга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида "Онажоним табиат" республика иншолар ва расмлар танлови анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари ҳам қонун ижодкорлиги йўлида самарали фаолият олиб бордилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан жами 12 та қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлари қўллаб-қувватланди.

Президентимизнинг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи қисқа муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқди ва ушбу қонун лойиҳаси парламентнинг қуйи палатасида биринчи ўқишда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг "Қайта тикланувчи энергия тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси тайёрланди.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ**

Қашқадарё Вилояти



## ОНА ЗАМИН САХОВАТИ

**Қарши туманидаги "Аброр қизи Гулиза" фермер хўжалиги боғларида айни пишиқчилик. Бир томонда олма териб олиниб, яшикларга жойланаётган бўлса, иккинчи ёқда шафтоли ҳосили саранжомланяпти. Эл дастурхонига етти тонна олма тортиқ этилди. Шафтоли ва бодомдан ҳам тўрт тонна ҳосил олиш мўлжалланяпти.**

Аброр Гулов раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги 2006 йилда ташкил этилган. Фермер хўжалиги аъзолари 29 гектар ердаги боғлар парваришига алоҳида эътибор бериб, ҳосилдор боғлар ҳудудини йил сайин кенгайтириб бормоқда. Анвар Бердиев, Дўстмамат Тожиев, Асқар Гулов, Ботирхон Музропов, Сайфулло Ортиқовларнинг фидойи меҳнати туфайли сўнгги уч йил ичида 10 гектар боғ ҳосилга кирди.

— Бугунгача эл дастурхонига 25 тонна сархил мевалар етказиб берилди, — дейди фермер. — Яна бу рақамни 5 тоннага оширамиз. Келажакда боғни яна 15 гектарга кенгайтириб, йилига 80-85 тонна мева етиштиришни мақсад қилганмиз. Шунингдек, меваларни қайта ишлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

**СУРАТДА:** *фермер Аброр Гулов.*
**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

Сирдарё Вилояти

## АПРОБАЦИЯ – СИФАТ ГАРОВИ

**Мустақиллик йилларида ғўза уруғчилигини яхшилаш, табиий иқлим ва тупроқ шароитига мос янги навларни яратиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Буни Сирдарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Айни пайтда вилоятда шўрхок тупроққа мослашган, сувсизликка чидамли "Ан-Боёвут-2", "С-6524", "Бухоро-102" навларидан сув тақчил шароитида ҳам юқори сифатли ҳосил етиштириляпти. 2012 йилда вилоятнинг асосий экин майдонларига "Ан-Боёвут-2", "С-6524", қатор фермер хўжаликларига "Бухоро-102", истиқболли "Гулбаҳор", "Навбаҳор", "Кўпайсин" навлари жойлаштирилди. Самара қувонарли бўляпти: вилоятда 110 минг 700 гектардан ошиқ майдонда кўзда тутилганидан ҳам мўл ҳосил тўпланмоқда.

Боёвут туманидаги "Ахмадий" фермер хўжалигида уруғлик учун экилган майдонларда ғўза апробациясини ўтказишга бағишланган кўргазмали семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Унда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, "Пахтасаноат" бирлашмаси, "Пахтауруғчилиги" бирлашмаси, "Давуруғназоратмаркази" ходимлари, пахта тозалаш заводларининг раҳбарлари ҳамда фермерлар иштирок этди. Таъкидландики, вилоятдаги 285 та фермер хўжалигида уруғлик пахта етиштирилмоқда. Шундан 72 тасида элита уруғлик етиштирилаётгани ҳосилни нестнобутсиз йиғиштириб олиш, жойлаштириш ва сақлашни тақозо этади. Иштирокчилар уруғлик пахта етиштирилган майдонларни сифатли тайёрлаш, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш, терилган ҳосилни алоҳида ғарамлаш, сақлаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

## АВГУСТ — ПАХТА ҲОСИЛИНИ САҚЛАШ ВА КЎПАЙТИРИШ ПАЛЛАСИ

Хоразм Вилояти

**Туманимиздаги фермер хўжаликлари 5775 гектар майдонда ғўза парваришлашмоқда. Табиий қулай келган йилдан унумли фойдаланиб, меҳнат қилган пахтакорлар айни вақтда бошқа агротехник тадбирлар қатори — ҳосилни зараркунанда ҳашаротлардан сақлаш, касалликлардан ҳимоялаш ишларини олиб бормоқдалар. Йиллик тажрибалар ва иқлим-тупроқ шароитимиздан келиб чиқиб ана шу мақсадда фаолият кўрсатаётган мавжуд 7 та биолабораторияда 72 килограмм трихограмма, 27 миллион дона олтинкўз, 37,5 миллион дона бракон ишлаб чиқарилди.**

# ЗАРАРКУНАНДА ЗАРАРИ ЕТМАСИН

Ғўза майдонлари мавсум давомида шу кунгача трихограмма билан 11 маротаба, олтинкўз билан 5 маротаба ишланди. Браконни эса шароитга қараб гектарига 500-1000 донадан юбориб, биологик ишлов ўтказилди. Ғўза майдонларига 4100 дона ферамон тутқичлар ўрнатилиб, кузатувчиларимиз томонидан доимий назорат олиб борилгани ўз самарасини кўрсатмоқда. Айни кунларда далаларимизда зарарли ҳашаротлар учраши кузатилмади. Бу хотиржамликка берилиш дегани эмас. Ахир қўшқатор усулида экилган майдонларда ғўза ниҳоллари кўп бўлади. Натижада ғўза қатор ораларида ҳаво алмашинуви қийинлашади. Қуёш нури кам тушади. Бундай жойлар эса ҳашаротлар, жумладан, кўсак қурти пайдо бўлишига омил бўлиши мумкин. Шу боис, айни кунларда ғўза қатор ораларини "варақлаш"-га эътибор қаратмоқдамиз.

Булардан ташқари, фермер хўжаликлари ва хонадонларда иссиқхоналар кўплигини ҳисобга олсак, ғўза душманларидан яна бири — оқ пашша бўлиш хавфи ҳам йўқ эмас. Маълумки, бу зараркунанда айни ҳосил тўплаган ғўзалар танасидаги ва япроқларидаги фойдали моддаларни сўриши оқибатида, аввало, кўсаклар пишиб етилиши кечикади, толанинг сифатига путур етиб, маҳсулот чўғи пасаяди. Кўриниб турибдики, сал эҳтиётсизлик билан йил бўйи қилинган меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир қисми йўққа чиқиши ҳеч гапмас. Бунинг олдини олиш мақсадида сиртига турли хил ёпишқоқ моддалар суртилган ойналар ҳар гектар майдонга 10-15 тадан ўрнатилди. Айни кунларда кундузи ҳарорат яна кўтарилмоқда. Бундай пайтларда ғўзалар таги нам бўлса, уларнинг ўсиши ривожланишдан олдин кетади. Шунинг учун ўсиш ва ривожланишни тенг олиб бориш мақсадида қатор ораларини оби-тобида культивациялаш, бу тадбирни эрталаб шабнам буткул кўтарилганда тушдан сўнг нам тушмасидан олдин ўтказиш талаб қилинади. Чунки нам пайтлари ғўза шохлари мўрт бўлиб, культиваторлар ишчи органлари уларни синдириб, нобуд қилиши мумкин. Тупроқ шароитига қараб суғорилса, кўллатиб юборилмаса ҳосилдорлик янада ошади.

Сирасини айтганда, айни кунлар бободеҳқонлардан янада масъулият ва омилкорлик билан иш тутишни талаб қилади. Ана шундагина ҳосилимиз баракали, "оқ олтин" хирмонимиз сарбаланд бўлади.

**Одилбек МАТЖОНОВ,**
**Янгиариқ тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди раҳбари.**

Қашқадарё Вилояти

# ДЕҲҚОННИНГ КЎНГЛИ ДАЛАСИДА

***Қарши туманидаги "Тоғаев Орзиқул Нурбоевич" фермер хўжалиги деҳқонлари мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб олишни мақсад қилишган. Шу кунларда деҳқоннинг даласида бўлсангиз, кўзингиз қувнайди.***



— Истиқлол йилларидаги иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини кўриб ва сезиб турибмиз, — дейди Орзиқул Тоғаев. — Давлатимизга раҳмат. Фермер бўлиб кўп нарсага эришдик. Ёнилғи, ўғит дала бошигача етказиб берилади. Молиявий мададни айтмайсизми? Маблағингиз етмаса банк имтиёзли кредитни зудлик билан ажратади. Бундай замонда ва шароитда ишлашнинг гашти бошқача.

Айни пайтда хўжалик аъзолари ғўзанинг "Бухоро-8" навидан мўл ҳосил олиш учун меҳнат қилишмоқда. Улар августдаги меҳнатнинг самарасини жуда яхши билишади.

— Шу кунларда ҳароратнинг кўтарилиши масъулиятни оширди, — дейди фермер О.Тоғаев. — Иш юритувчи Саъдулла Маматқулов, механизатор Тошниёз Муродов, сувчилар Иброҳим ва Лазиз Тоғаевлар меҳнати билан ҳосилни кўпайтириш чораларини кўрдик. Деҳқоннинг дилида доим даласи бўлади. Жорий йил деҳқон учун қулай келди. Қолаверса, давлатимиз томонидан барча шароит яратиб берилгани боис ғалла ҳосилдорлигини 65 центнерга оширдик. Энди навбат пахтага. Даладаги ҳосилдан кўнглимиз тўқ. Ҳосил чўғи яхши. Насиб бўлса, 40 центнердан ҳосил йиғиб-териб оламиз. Яқинда Президентимизнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузa ва кўрсатмаларини эшитиб, қалбимда бир олам эзгу орзулар жўш урди. Уларнинг рўёбга чиқишига ишонаман. Зеро, бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

Сурхондарё Вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, жойлардаги хотин-қизлар бошланғич ташкилотларининг ролини ошириш, жамият олдида турган маънавий-маърифий, ижтимоий, экологик муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик ишларини кучайтириш мақсадида турли кўрик-танловлар бўлиб ўтмоқда.**

# ЭНГ ЯХШИЛАР ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ

Яқинда М.Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрида "Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

"Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида ўтказилган ушбу кўрик-танловда ғолибликни қўлга киритган 16 нафар иштирокчига тантанали равишда диплом ва эсдалик совғалари берилди. Ҳар бир номинация бўйича вилоятда ғолиб деб топилган 6 та бошланғич ташкилот республика босқичига йўлланма олди. Шунингдек, мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳамда хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини ривожлантиришга қўшган самарали меҳнатлари учун 76 нафар фаол аёллар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Тадбир сўнгида санъат усталари, хушовоз хонандалар иштирокида байрам концерти намойиш этилди.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

**Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Меҳнат ва шон-шуҳрат музейида Мустаҳкам оила йилига бағишлаб, ёғочдан ишланган уй-рўзғор буюмлари кўргазмаси очилди.**

# УЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Сандиқ, бешик, оштахтаўқлов каби ёғочдан ясалган миллий буюмларни ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо қадимда ота-боболаримиз, момоларимиз рўзғорда ишлатган сабаяқ, ўжау, ийнағаш, губишелек, кели-келсоп, пишкек, ковуш қошиқ, заранг қошиқ каби бир қанча уй-рўзғор буюмлари ҳақида ҳаммамиз ҳам яхши тасаввурга эга эмасмиз.

Халқимиз асраб-авайлаб келаётган бундай ноёб, қадимий ёғоч буюмлар намуналари кўргазмада намойиш этилмоқда.

– Аждодларимиз турмуш тарзи ҳақида маълумот берувчи ушбу буюмлар рўзғорда муҳим вазифани бажарган, – дейди музей директори Шинаргул Пахраддинова. – Масалан, ийнағашга иккита челак илдириб, сув ташилган. Урчуқда ип йигирилган бўлса, келида дон янчилган, кунда билан ер ҳайдалган. Бугун ана шу буюмларнинг ёш усталар томонидан замонавий услубда қайта тикланаётгани қувонарлидир.

Тадбирда Оролбўйининг ёғочсоз усталари томонидан ясалган 200 дан ортиқ турдаги уй-рўзғор буюмлари намойиш этилмоқда. Улар орасида мусиқа асбоблари ҳам бор.

– Кўргазмага ўзим ясаган буюмлар билан бирга уйимизда сақланаётган сабаяқ анжомини ҳам олиб келдим, – дейди нукуслик уста-ҳунарманд Озод Ўтербоев. – Ўтган асрнинг биринчи ярмида ясалган ушбу буюм кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Илгари рўзғорда бу идишдан деярли ҳар куни фойдаланилган. Ўчоқда пишган овқат қозони билан унинг устига қўйилган. Унда овқат соладиган товоқлар, ювилган идишларни териб қўйиш учун ҳам махсус жой бор.

Мазкур кўргазма-танлов Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ҳунарманд" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ёғочсоз-усталар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, иқтидорли ёш ҳунармандларни кашф этиш мақсадида ташкил этилди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ПУХТА ТАРАДДУД

## МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан янги ўқув йилида таълим сифатини янада оширишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда вазирлик вакиллари, мактаб директорлари, ўқитувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда янги ўқув йилида тизимга жорий этиладиган янгиликлар, илғор тажрибалар хусусида батафсил маълумот берилди. Хусусан, Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида жорий йилда 58 та ана шундай мактаб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган эди. Айни пайтгача уларнинг бир қанчаси фойдаланишга топширилди. Қолган таълим муассасалари режага мувофиқ, шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

— 2008 йил бошида умумтаълим мактабларининг 12 фоизигина замонавий компьютерлар билан таъминланган эди, – дейди Халқ таълими вазири ўринбосари Абдуғани Холбеков. — 2012 йил 1 июль ҳолатига кўра, таълим муассасаларида сўнгги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган ўқув-компьютер хоналари сони 7534 тани, яъни 77 фоизни ташкил этмоқда. Булардан ташқари, тегишли фанлардан 80 номдаги мультимедиа дастурий воситалари ҳамда 26 номдаги ўқув фильмлари, 13 номдаги виртуал лабораториялар яратилиб, таълим жараёнига жорий этилди. Мавжуд 9763 та умумтаълим мактабларининг 9403 таси, яъни 96 фоизи "ZiyoNET" тармоғига уланган. Қолган мактабларни ҳам тармоққа улаш ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, тадбир доирасида 2012-2013 ўқув йилига тавсия этилган ўқув адабиётлари ва дарсликлар, мактаб кийимлари бўйича ҳам маълумот берилди.

— Янги ўқув йили учун мактабимиз ўқитувчи ҳамда ўқувчилари учун келишилган ҳолда махсус либос жорий қилдик, — дейди Андижон вилояти Асака туманидаги 5-ихтисослашган мактаб директори Ҳилола Отаева. — Бу борада либос матоси, бичими, ўқувчининг ёши ҳамда кийимларнинг нархи каби масалалар ота-оналар билан муҳокама этилди.

Матбуот анжуманида умумтаълим мактабларини замонавий компьютер техникалари билан жиҳозлаш, уларга малакали ўқитувчиларни жалб этиш таълим сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Тадбирга йиғилганлар мамлакатимиз келажаги бўлмиш ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларга чуқур ва пухта билим беришга бел боғлаган фидойи педагогларнинг янги ўқув йилидаги фаолиятига муваффақият тилашди.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

# «СОФ ГИГИЕНИКС»ДАН СОФ ГИГИЕНИК МАҲСУЛОТЛАР

**Қибрай тумани Байтқўрғон қишлоғида импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Соф гигиеникс" корхонаси иш бошлади.**

— Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун мамлакатимизда ҳар жиҳатдан қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётганлигидан руҳланиб, кўпдан буён ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ният қилиб юрардим, — дейди корхона раҳбари Ҳабибулла Абдиев. — Ички бозорни ўрганиб, болалар учун мўлжалланган бир марталик гигиеник воситаларини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга аҳд қилдик.

Яхши ниятда иш бошлаган тадбиркорнинг бизнес лойиҳаси тумандаги тегишли муассасалар томонидан қўллаб-қувватланди. Янги цех қурилиши учун ер ажратилди. Тижорат банки томонидан лойиҳани амалга ошириш мақсадида зарур миқдордаги кредит маблағи йўналтирилди. Натижада хитойлик ҳамкорлар билан бирга корхонага 360 минг АҚШ долларилик технологик линия ўрнатилди. Хорижий ускуналарни ўрнатиш чоғида қатнашган 20 нафар қишлоқ ёшлари замонавий технологияни ишлатиш сир-асрорларини ҳам пухта ўзлаштириб, муқим иш ўрнига эга бўлдилар. Айни вақтда корхонада чақалоқлар ва уч ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган турли ўлчамдаги соф гигиеник воситалар ишлаб чиқарилмоқда.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ



**1.ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАРНИНГ БАДИИЙ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА**

**1-ўрин:**

**Нўъмон Раҳимжонов,** Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудири – «Истиқлол ва бугунги адабиёт» номли адабий-танқидий мақолалар тўплами учун

**2-ўрин:**

**Зикрилла Неъмат,** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бирлашган таҳририяти бош муҳаррири – «Ватан ҳақида қўшиқ» китоби учун

**3-ўрин:**

**Ғофур Шермуҳаммад (Эшмуродов),** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси – Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш мавзуларидаги «Саман той» қисса ва ҳикоялар тўплами учун

**Рағбатлантирувчи мукофот**

**1. Ҳалима Аҳмедова,** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси – Замондошларимизнинг дил кечинмалари, аёл қалбининг нозик манзаралари акс этган «Нигоҳ қибласи» шеърий тўплами учун

**2. Носир Муҳаммад,** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси – Озод ва обод Ватан, истиқлол, ёшлик ва муҳаббат ҳақидаги шеърлар ва маърифий лавҳалардан тартиб берилган «Сайланма» китоби учун

**2. БОСМА ОАВ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА**

**1-ўрин:**

**Маҳмуд Абдулфаизов,** «Сурхон тонги» газетаси бўлим мудири (Сурхондарё вилояти) – Мустақиллик йилларида халқимиз ҳаёти, онгу тафаккурида юз берган туб ўзгаришлар ҳақидаги «Юрак ухламайди» номли публицистик мақолалар туркуми учун

**2-ўрин:**

**Нурислом Тўхлиев,** Иқтисод фанлари доктори – Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари чуқур таҳлил этилган «Тараққиётнинг ўзбек модели» мақолалар тўплами учун

**3-ўрин:**

**Анвар Самадов,** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири – Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараларига бағишланган ахборот-таҳлилий материаллари учун

**Рағбатлантирувчи мукофот**

**1. Елена Нам,** «Правда Востока» газетаси мухбири – Мустақиллик йилларида маънан юксак, жисмонан соғлом ёшларни вояга етказиш йўлида олиб борилаётган беқиёс ишлар, бугунги ёшлар эришаётган ютуқлар ҳақидаги туркум мақолалари учун

**2. Бахринисо Норжигитова,** «Гулистон ҳаёти» газетаси бош муҳаррири (Сирдарё вилояти) – Истиқлол даврида вилоят аҳолиси ҳаётида юз берган янгиланишлар ҳақидаги очерк ва лавҳалари учун

**3. ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ИЖОДКОРЛАРИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ БЎЙИЧА**

**1-ўрин:**

**Зулфизар Каримова,** ЎзМТРК «Sport» телерадиоканали «Машъал» радиоси катта муҳаррири – «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» номли туркум радиокомпозициялари учун

**2-ўрин:**

**Иномжон Машарипов,** Қорақалпоғистон Республикаси «Тўрткўл»телевидениеси бош муҳаррири – Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳамда аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар ҳақидаги кўрсатувлари учун

**3-ўрин:**

**Манзура Ҳасанова,** ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририяти шарҳловчиси – Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланган туркум репортажлари учун

**Рағбатлантирувчи мукофот**

**1. Гулюз Калонова,** ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали Бадиий эшиттиришлар муҳарририяти бўлим мудири – Мустақиллик йилларида тарихий анъаналаримизнинг қайта тиклангани, маданий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар жараёни акс этган «Гулшан» радиожурнали учун

**2. Тошпўлат Тугалов,** Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири – Истиқлолнинг 21 йиллиги арафасида Самарқанд манзаралари, вилоятда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун

**4. ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА**

**1-ўрин:**

**Йўлдош Эгамов,** «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими раиси – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган дизайн ишлари учун

**2-ўрин:**

**Сабур Кутлимуратов,** Эркин ижодкор рассом (Қорақалпоғистон Республикаси) – Оролбўйи ҳудудларидаги ҳаёт манзаралари тасвирланган асарлари учун

**3-ўрин:**

**Абдулло Аҳмедов,** «Маҳорат мактаби» газетаси фотомухбири (Наманган вилояти) – «Истиқлол – наманганликлар тақдирида» мавзуидаги фоторепортажлари учун

**Рағбатлантирувчи мукофот**

**1. Шамсиддин Аликулов,** Қарши маданият коллежи ўқитувчиси, рассом (Қашқадарё вилояти) – Бугунги қишлоқлардаги янгиланишлар акс эттирилган ижодий ишлари учун

**2. Фарруҳ Шарипов,** «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Навоий вилояти бўлими бош дизайнери – Мустаҳкам оила йилига бағишланган ижодий ишлари учун

**5. КИНО САНЪАТИ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА**

**1-ўрин:**

**Шавкат Маҳбубов,** кинорежиссёр – «Ватанга хизмат – муқаддас бурч» ҳамда «Маҳалла – халқ виждони» ҳужжатли фильмларидаги режиссёрлик иши учун

**2-ўрин:**

**Эргашбой Нормуратов,** ЎзМТРК «Ўзбектелефильм» студияси кинорежиссёр ассистенти – «Истеъдод ғунчалари» ҳужжатли фильмидаги режиссёрлик иши учун

**3-ўрин:**

**Райҳон Уласенова,** Кино ва театр актрисаси – «Алданган аёл» бадиий фильмида ижро этган роли учун

**Рағбатлантирувчи мукофот**

**1. Баутдин Боймурзаев,** «Қорақалпоқфильм» киностудияси режиссёри – «Қайсар» ва «Эшжон бахши» бадиий фильмидаги режиссёрлик иши учун

**2. Миролим Қиличев,** Киноактёр – «Жасур» бадиий фильмида ижро этган бош роли учун

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

СОЛИҚ ХИЗМАТИ

**Мамлакатимизда солиқ тизимини модернизациялаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Президентимизнинг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қиляпти.**

Жиззах вилоятида ҳам мазкур ҳужжатлар ижроси бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Энг аввало, давлат солиқ идоралари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиб, тизим автоматлаштириляпти, солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш учун ахборот хизматлари кўрсатиш янада такомиллаштирилаётир.

Юртбошимизнинг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида 2014 йилнинг охиригача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳисобот топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказиш вазифаси белгилаб берилган. Шу боис, солиқ органлари томонидан электрон кўринишда ҳисоботларни топширувчилар сафини кенгайтириш, янгиликларни солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида жойларда мунтазам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Узоқ қишлоқ жойлардаги солиқ тўловчиларга интернет тизимини яқинлаштириш, дастурий маҳсуллардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида туркум семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоб-китобларни тақдим этишда электрон ҳужжат айланишининг босқичма-босқич амалга оширилишига имкон яратмоқда.

Ҳисоботлар электрон кўринишда топширилганда, турли хатоликларнинг олди олинади. Энг муҳими, уни ўз вақтида компьютер орқали узатиш мумкин. Бундан ташқари, унинг махфийлиги таъминланади, иш вақти тежалади. Ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилмайди.

Ўтган 2011 йил якунида электрон ҳисобот топширувчилар сони 8004 та бўлган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида улар сони 9627 тага етди. Бу солиқ ҳисоботларини тақдим этиш мажбуриятига эга бўлган корхоналарнинг 81 фоизини ташкил этади. Жиззах вилояти бўйича 2012 йилнинг етти ойида 69,2 мингдан зиёд солиқ ва молиявий ҳисоботлар электрон кўринишда тақдим этилиши туфайли 1,8 тонна қоғоз иқтисод қилинди. Бу замонавий усулнинг афзалликларини яққол кўрсатиб турибди.

Ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаб, электрон имзо қулайликларидан самарали фойдаланаётган "Иккиламчи қора металл" шуъба корхонаси, "Бахтиёр-Шахбоз" ишлаб чиқариш фирмаси, "Зариста Тех" МЧЖ, Миллий банкнинг вилоят филиали ва бошқа корхона ҳамда муассасалар иш тажрибаси кенг оммалаштириляпти.

Давлат солиқ идоралари томонидан таклиф этилаётган бу каби интерфаол хизматлар солиқ тўловчиларнинг тизим қонунчилигидаги ўзгариш ва янгиликлардан тезкор воқиф бўлишига ҳам хизмат қилмоқда.

**Абдурасул СУЛАЙМОНОВ,**
*Жиззах вилояти ДСБ юридик шахсларга солиқ солиш бўлими катта инспектори.*

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни, ўз акциядорлари ва мижозларини мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади!
Она-Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин!
Сизларга мустаҳкам соғлик, хонадонингизга файзу барака, тинчлик-хотиржамлик тилаган ҳолда, қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:



Миллий валютада: "Истиқлол" – муддати 3 ой
"Мустақил оила - 3" – муддати 3-9 ой
"Мураббий" – муддати 2 ой
"Мадад" – муддати 1 йил
Хорижий валютада: "Фортуна" – муддати 3-12 ой

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Ахборот маркази телефонлари:
(+99871) 150-39-93, 150-93-39
www.qishloqqurilishbank.uz

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК — ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!
Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулот сертификатланган

LIZINGGA SOTILA MAN



+998(71) 148 8080

JV MAN Auto-Uzbekistan
г. Ташкент, ул. М. Улугбека, 30.
Тел. : (998-71) 148-80-80.
Факс: (998-71) 268-56-25.
e-mail: info@man-mn.uz
www.man-mn.uz
MAN

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!
AGROBANK

Бизнес доирангизни кенгайтириш имкониятлари бор!



Агробанк мижозига айланинг ва халқаро иқтисодий муносабатларингизни кенгайтиринг

www.agrobank.uz
Хизматлар лицензияланган

Эҳтиёт шарт!

## ХАБАР ТЕЗКОР БЎЛСА...

**Олов — тилсиз ёв. Айниқса, у бахтсиз тасодиф — кутилмаган ёнғин кўринишида бўлса. Бундай пайтда ҳар қандай киши ҳам қўрқув ва саросимага тушади. Теварак-атрофдагилардан ёрдам кутади.**

Агар ёнғин чиқиш сабаблари статистикасига мурожаат қилсак, ёнғинлар миқдори чекиш пайтида эҳтиётсизлик оқибатида 40 фоиз, электр ускуналари ва электр симлари носозлиги туфайли 20 фоиз, болаларнинг олов билан ўйнаши натижасида 10 фоизни ташкил қилади. Ёнғинни тез ва самарали ўчириш, асосан, унинг аниқланиш реакцияси тезлигига, ёнғинни локализация қилишга йўналтирилган чора-тадбирларнинг тезлик билан бажарилишига боғлиқдир.

Шунингдек, ёнғинларнинг ривожланиш динамикаси бинонинг конструктив хусусиятлари, ёнувчан ва портловчи моддаларнинг ҳажми, бинодаги одамлар сони ва уларнинг ёнғинга қарши тайёргарлик даражаси, қолаверса, хабар берувчи тизимларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида тилга олинган омилларнинг барчаси ёнғин хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ёнғинга қарши қўлланиладиган чора-тадбирлар ёнғиннинг бошланғич 10 дақиқа ичидаги даврида анча самарали кучга эга бўлади. Шунинг учун ёнғинга қарши замонавий ва ишончли автоматик тизимларнинг қўлланилиши хабарни тезкор тарзда етказиб, уни ўз вақтида аниқлаш, локализация қилиш ва ўчиришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Шундан келиб чиқиб, маъмурий биноларни, турар-жойларни замонавий телекоммуникация ва ёнғинга қарши автоматлаштирилган техник воситалар билан ишончли таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

**Айдос БАЙРБЕКОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИБ ЁХБ 20-ҲЁҲҚ инспектори, кичик сержант.**

Тошкент ш. Миробод т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "SHAHZOD-DILSHOD UNIVERSAL" (СТИР 300814759) ХКга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "YOSHLAR SPORT MARKAZI" (СТИР 204550162) ХКга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Миробод т. БТИ томонидан Шапатова Рита Шайхитдиновна номига расмийлаштирилган Тошкент ш. Миробод т. м/в Ойбек 18-уй 21-хонадоннинг уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянную справку № 17106 от 19.09.2008 г., выданную центром приватизации жилья и сдачи в аренду Госкомимущества на имя Калинина Михаила Ивановича, считать недействительной.

Утерянный диплом № 023273, выданный в 1981 г. Ташкентским средним профессиональным кулинарным училищем на имя Абидовой Ходжинисы Халматовны, считать недействительным.

ООО "YURAMAX TAOMLARI" (ИНН 301859091), зарегистрированное ИРСП Сергелийского р-на г. Ташкента (реестр № 002895-06, 22.02.2011 г.) объявляет о слиянии ООО "YURAMAX TAOMLARI" и ООО "ARCHI TOPDESING" в ООО "RELIABLE ARMOUR". Тел.: 630-15-12.

Тошкент ш. Олмазор (аввалги С.Раҳимов) т. Қорақамиш 1/2 мавзеси 17-уй 2-хонадон учун Умарова Динара Ядгаровна номига расмийлаштирилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Очиқ акциядорлик тижорат банки "Қишлоқ қурилиш банк" жамоаси банкнинг Каттақўрғон филиали бошқарувчиси Жамолиддин Одиловга волидаи муҳтарамаси **МУҲАРРАМХОН АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Производство ООО "Agro fit"
для сада и огорода
N·P·K
удобрение комплексное с микроэлементами
для капельного полива
для всех типов растений
Выращивай и процветай с удобрениями NPK



тел.: (+ 998 98) 127-53-63
факс. (+998 71) 283-35-73
chemister@inbox.ru
www.agrofit.uz

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!
Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
• Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
• Бульдозер погрузчик БЛ-750
• Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
• Асфальторез • Подъемник БЛ-09
• "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
• Запасные части к тракторам "Беларусь"
• Шины различных моделей



маҳсулот сертификатланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Навоий – (8-366) 921-50-08; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: Ҳ.МЎМИНОВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-814, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.15
15983 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 345